

## **ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Ташниёзова Шоира Холмурадовна,**  
ЎзДЖТУ, ўқитувчи

***Аннотация.** Ушбу мақола чет тилларни ўргатишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, тилларни ўқитиш жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш, компьютер технологиялари, интернет тармогидан фойдаланган ҳолда тил ўрганишининг самарадорлиги ёритилган.*

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ҳамда илмий-техника тараққиёти жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларни тадбиқ қилиш даражасини тезлаштириб юборди. Ҳозирги кунда ахборот-коммуникация технологиялари иборалари кундалик турмушда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар десак муболаға бўлмайди. Чунки ҳаётнинг қайси соҳасини олмайлик, қандай амалларни бажармайлик, албатта, ахборот-коммуникация технологиялари билан иш кўрамыз.

Чет тилларини ўрганишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш талабага касбий билимларни эгаллашига, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш орқали фан соҳасини чуқур ўзлаштирилишига, ўқув фаолиятининг хилма-хил ташкил этилиши ҳисобига талабанинг мустақил фаолияти соҳасининг кенгайишига, интерактив мулоқот имкониятларининг жорий этилиши асосида ўқитиш жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаштиришга, сунъий интеллект тизими имкониятларидан фойдаланиш орқали талабанинг ўқув материалларини ўзлаштириш стратегиясини эгаллашига, ахборот жамияти аъзоси сифатида унда ахборот маданиятининг шаклланишига, ўрганилаётган жараён ва ҳодисаларни компьютер технологиялари воситасида тақдим этиш, талабаларда фан асосларига қизиқишни ва фаолликни оширишга олиб келиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда ахборот технологияларининг ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганлиги барчамиз учун сир эмас. Ахборот технологиялари ҳозирги кунда айниқса таълим тизимининг энг кучли воситаси деб ҳисобланади. Улар ёрдамида чет тилларни ўрганувчилар янги ахборотлар дунёсига кира оладилар, турли масофалардан туриб, чет эллик тенгдошлари билан мулоқот қиладилар, маълумотлар алмашадилар.

Замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил этади. Унинг яратилиши ва ривожланиши техник жиҳатдан мураккаб, шу билан бир қаторда бундай муҳит таълим тизимини такомиллаштиришга, таълим жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади. XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида яшаётган эканмиз, чет тилларни ўқитишда янги услуб ва технологияларни қўллашнинг ўрни беқиёс эканлигини айтиб ўтишимиз жоиздир. Бу нафақат янги техник воситалар, балки янги кўринишлар ва услубларни, дарс ўтишга янгича ёндашувни тақозо этади. Замонавий ўқув жараёнида турли аудио, видео ва электрон воситаларни фаол қўллаш фаолиятнинг самарали бўлишини кафолатлайди.

Чет тилларни ўқитиш жараёнида мультимедиа технологияларидан фойдаланиш машғулотларни интерфаол режимда олиб боришга имкон беради. Мультимедиа (ингл. сўз multi – кўп, media – муҳит) – бу турли кўринишдаги ахборотлардан (матн, тасвир, овоз, видео, анимация) иборат яҳлит бир кўринишига айтилади. Мультимедиа технологиялари-бу мультимедиали махсулот яратиш жараёнидаги техник ва дастурий воситаларни танлаш ва қўллаш жараёнига айтилади. Мультимедиа технологияларининг асосий мақсади – ахборотни қабул қилишда содда ва қулай бўлган мультимедиа махсулотини яратишдан иборатдур.

Бугунги кунда мультимедиа технологиялари инсон фаолиятида, яъни бизнес, таълим, тиббиёт, харбий ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бу фаолият йўналишларида мультимедиа махсулотларини яратиш учун кенг қўламдаги дастурий воситалар мавжуд. Ўқиш ва ўқитишда айниқса Интернетнинг аҳамияти беқиёсдир. Компьютер технологиялари айниқса интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда тил ўрганиш жуда самарали ҳисобланади. Ундаги ахборот ҳажмининг кўплиги тилга оид тавсиялар, малакали мутахассисларнинг маслаҳатлари, кўплаб янгиликларни олиш имконияти катта. Интернет орқали тараққий этган мамлакатларнинг етакчи олийгоҳларидан янги ўқув материалларни, хусусан тарқатма материалларни, назорат тестларни олиш ва таълим жараёнида бемалол қўллаш мумкин. Бугунги кунда интернет орқали чет тилларини ўрганиш, қимматли маълумотларни топиш, жаҳоннинг энг яхши кутубхоналарига чиқиш ва улардан энг илғор илмий ахборотларга эга бўлиш имконияти катта.

Чет тилларни ўқитишда дарс сифатини ошиши, талабаларга тил материалларини тез, осон ва самарали тарзда етказиб бериш, ҳар бир

педагогдан ўз устида ишлаш билан биргаликда ахборот-технологияларидан кенг фойдаланишни ҳам талаб этади. Ахборот-технологиялари ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи куч ёки олдиндан белгилаб қўйилган аниқ мақсад йўлида ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқиний натижаларни кафолатлайдиган тадбирлар мажмуасидир.

Чет тилларни билиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиш ҳар бир мутахассиснинг қайси соҳада фаолият юритмасин юқори даражадаги малакасини ифода этади. Чет тилларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни беқиёс бўлиб, ҳозирги кунда ахборот-коммуникация воситалари чет тил таълим тизимида асосан қуйидаги таълимий йўналишларда, ўрганиш объекти сифатида, таълим беришнинг техник воситалари сифатида, илмий педагогик изланишларда, таълимни бошқаришда шунингдек янги самарали ёндашувлар қаторида ахборот-коммуникация технологиялари воситасида, масофавий таълим тил ўргатиш методикаларини кўрсатиш мумкин. Чет тилларни ўрганишда мобел телефонларга луғат ўрнитиш, махсус дастурлар, видео роликлар, чет тилидаги мусиқалар ва кўшиқларни юклаб олиш ҳам тилни тез ўзлаштиришни янада осонлаштиради. Тил ўрганувчилар тилни тез ва осон ўрганишни хоҳласа аввало нутқий мулоқотга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Нутқий мулоқот тил ўрганувчиларга катта имконият яратиш беради. Мулоқот пайтидаги хато, камчиликлар суҳбат жараёнида тортиниш, яъний ўзини билмайман деб ҳисоблаш ва бундан хижолат бўлиш ҳам нутқий мулоқотни шакллантиришга халақит бериши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда чет тилларни ўзлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши ҳар бир мутахассиснинг қайси соҳада фаолият юритмасин юқори даражадаги малакасини оширади. Чет тилда мулоқот қилиш учун эса тил муҳити жуда муҳимдир. Интернетдан фойдаланиб дўстлар билан онлайн кўриб нутқий мулоқот қилиб туриш ҳам нутқий мулоқотни шакллантиришга ёрдам беради.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Тау Vaughan Multimedia: Making It Work, 8th Edition, 2019, p.481.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Гордеева И.В., Мультимедиа технология, Новосибирск СГГА, 2010, – 158 с.
4. Сабирова Д.А. Мультимедиа тизимлари ва технологиялари. Ўқув қўлланма -Т: ТГЭУ, 2013г
5. Ибрагимов, Ғ.У.Содиқов “ўқиш ва ўқитиш” услубий қўлланма Т: 2019.